

«ТАСДИҚЛАНГАН»  
«Universal Sug'urta»  
aksyadorlik jamiyati  
акциядорларининг  
2022 йил 24 июндаги

умумий йиғилиши томонидан



Ма Е.С.

Кузатув Кенгаши раиси

**«UNIVERSAL SUG'URTA»  
AKSIYADORLIK JAMIYATI  
USTAVI**

**(YANGI TAHRIRDA)**

Toshkent sh. -2022 y.

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур «Universal Sug'urta» aksiyadorlik jamiyatining (кейинчалик матнда «Жамият») Устави Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (06.05.2014й. ЎРҚ-370-сон) ва «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонунлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Жамиятнинг тўлиқ номи:

Ўзбек тилида: «Universal Sug'urta» aksiyadorlik jamiyati.

Рус тилида: акционерное общество «Universal Sug'urta».

Инглиз тилида: «Universal Sug'urta» Joint-Stock.

1.3. Жамиятнинг қисқартирилган номи:

Ўзбек тилида: «Universal Sug'urta» AJ.

Рус тилида: АО «Universal Sug'urta».

Инглиз тилида: «Universal Sug'urta» JS.

1.4. Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, 100077, Тошкент шаҳар, Мирзо-Улугбек тумани, Буюк Ипак Йули кўчаси, 218-220 уй.

1.5. Жамиятнинг электрон почта манзили: [info@uns.uz](mailto:info@uns.uz).

1.6. Жамиятнинг расмий веб-сайти: [www.uns.uz](http://www.uns.uz).

1.7. Жамиятнинг фаолият муддати чекланмаган.

## II. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

2.1. Жамият ушбу уставда белгиланган қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқларига эга бўлади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

2.2. Жамият юридик шахс ҳисобланади ва ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкига эга, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.3. Жамият ўзининг номи кўрсатилган думалоқ муҳрга, бурчакли штампга, ўз тимсолига, фирма бланкаларига ва шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

2.4. Жамият Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикасида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятларида ўз филиалларига эга:

1. Тошкент вилояти филиали
  2. Сирдарё вилояти филиали
  3. Жиззах вилояти филиали
  4. Самарқанд вилояти филиали
  5. Бухоро вилояти филиали
  6. Навоий вилояти филиали
  7. Фарғона вилояти филиали
  8. Андижон вилояти филиали
  9. Наманган вилояти филиали
  10. Қашқадарё вилояти филиали
  11. Сурхандарё вилояти филиали
  12. Хоразм вилояти филиали
- Мазкур филиаллар Жамият томонидан тасдиқланган низом асосида фаолият

юритадилар. Филиаллар раҳбарлари Жамият томонидан тайинланади ва жамият томонидан берилган ишончнома асосида иш юритадилар.

2.5. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.

### **III. ЖАМИЯТНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

3.1. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулки билан жавобгар бўлади.

3.2. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш тавakkалчилигини ўз зиммасига олади.

3.3. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

3.4. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

3.5. Давлат ва унинг органлари жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

### **IV. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ**

4.1. Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятидан фойда олишдир.

4.2. Жамият ўз мақсадларини амалга ошириш учун қуйидаги фаолиятни амалга оширади:

4.2.1. табиий офатлар, инсон фаолиятининг турли соҳаларидаги фавкулотда ходисалар ва воқеалар томонидан етказилган зарар ва йўқотишларни тўланган суғурта тўловларидан (суғурта мукофотларидан) шаклланган пул маблағлари ҳисобига тўлиқ ёки қисман қоплаш кўринишида жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини суғурталаи ҳимоя қилиш;

4.2.2. давлат, тижорат, тадбиркорлик ва бошқа хил тузилмаларга, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентларига кенг миқёсдаги суғурта хизматларини кўрсатиш учун моддий ва номоддий активларни бирлаштириш йўли билан ўз таъсисчилари ва Жамият манфаатларида фойда олиш.

4.3. Жамият фаолиятининг моҳияти қуйидагилардан иборат:

4.3.1. бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш;

4.3.2. касалликдан эҳтиёт шарт суғурта қилиш;

4.3.3. ер усти транспорт воситаларини суғурта қилиш;

4.3.4. ҳаракатланадиган темир йул таркибини суғурта қилиш;

4.3.5. авиация суғуртаси;

4.3.6. денгиз суғуртаси;

4.3.7. йўлдаги мол-мулкни суғурта қилиш;

4.3.8. мол-мулкни ёнғиндан ва табиий офатлардан суғурта қилиш;

4.3.9. мол-мулкни зарардан суғурта қилиш;

4.3.10. автофуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш;

4.3.11. авиация суғуртаси доирасидаги жавобгарликни суғурта қилиш;

4.3.12. денгиз суғуртаси доирасидаги жавобгарликни суғурта қилиш;

4.3.13. умумий фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш;

- 4.3.14. кредитларни суғурта қилиш;  
4.3.15. кафилликни (кафолатларни) суғурта қилиш;  
4.3.16. бошка молиявий таваккалчиликлардан суғурта қилиш;  
4.3.17. ҳукукий химоя қилиш билан боғлиқ харажатларни суғурта қилиш.  
4.4. Жамият суғурта фаолиятини умумий суғурта соҳасида, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ давлатнинг махсус ваколатли органи томонидан берилган лицензия асосида амалга оширади.

## **V. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИ**

5.1. Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

Жамият устав фонди **25 005 660 000 сўм (Йигирма беш миллиард беш миллион олти юз олтмиш минг сўм)** тўлиқ шакилланган. У ҳар бирининг номинал қиймати 0,01 (ноль бутун юздан бир) сўм бўлган 2 500 566 000 000 (Икки триллион беш юз миллиард беш юз олтмиш олти миллион) дона эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклда чиқарилган жамият акцияларга бўлинган.

5.2. Жамият жойлаштирилган акцияларга қўшимча равишда 3 750 000 000 000 (уч триллион етти юз эллик миллиард) дона номинал қиймати 0,01 (ноль бутун юздан бир) сўм бўлган эълон қилинган, оддий (қўшимча) эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклда акцияларни жойлаштиришга ҳақлидир.

### **Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш**

5.3. Жамиятнинг устав фонди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

5.4. Қўшимча акциялар фақат жамият уставида белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

5.5. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

5.6. Қўшимча чиқарилаётган акциялар ёпиқ обуна усули билан жойлаштирилади.

5.7. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда жамият уставида кўрсатилган, эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак.

5.8. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

5.9. Жамиятнинг акцияларига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **Жамиятнинг устав капиталини камайтириш**

5.11. Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан камайтирилиши мумкин.

5.12. Агар устав капиталини камайтириш натижасида унинг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, Жамият устав

капиталини камайтиришга ҳақли эмас.

5.13. Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капиталини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

## VI. ЖАМИЯТНИНГ АКЦИЯЛАРИ

6.1. Жамият устав фондини шакллантириш учун Жамият оддий эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги 2 500 566 000 000 (Икки триллион беш юз миллиард беш юз олтимиш олти миллион) дона ҳар бирини номинал қиймати 0,01 (ноль бутун юздан бир) сўм миқдорига бўлган акцияларни чиқарган.

6.2. Жамият ўзи чиқараётган акцияларга ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни уларни хусусий жойлаштириш йўли билан ёпиқ обуна ўтказди.

6.3. Жамият акциядорлари ушбу жамиятнинг бошқа акциядорлари сотаётган акцияларни учинчи шахсга таклиф этилаётган нархда ва шартларда, уларнинг ҳар бирига тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

6.4. Ўз акцияларини сотаётган акциядор акцияларини сотиш нияти тўғрисида бошқа акциядорларни акцияларнинг нархини ва учинчи шахсга таклиф этиш шартларини кўрсатган ҳолда тўғридан-тўғри ёхуд жамият орқали ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

6.5. Акциядорлар сотаётган акцияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш муддати акциялар сотувга қўйилган пайтдан эътиборан 10 кундан иборатдир.

6.6. Акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

6.7. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул маблағлари ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкӣ ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади, аммо Ўзбекистон Республикаси «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонунига зид бўлмаган ҳолда. Жамиятни қўшимча акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш тартиби уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгилаб қўйилади.

6.8. Жамият томонидан чиқарилган акцияларни сотилишидан Жамият ҳисобига келиб тушган Ўзбекистон Республика валютасидаги пул маблағлари, валюта маблағлари ва бошқа мулкӣ бадаллар амалдаги қонунчилик томонидан белгиланган тартибда қабул қилинадилар, ҳисобланадилар, сақланадилар ва фойдаланидилар.

6.9. Жамиятнинг қўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланганидан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади.

6.10. Жамиятнинг устав фонди кўпайтирилаётганда жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

## VII. ЖАМИЯТ ФОНДЛАРИ

7.1. Жамият ўз фаолиятини юритишда суғурта ва бошқа заҳира фондларини ташкил қилади.

7.2. Жамият устав фондининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда жамият захира фонди тузилади.

7.2.1. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

7.2.2. Жамият захира фондига ушбу уставнинг 7.2-бандида белгиланган миқдорга еттунига қадар ҳар йили соф фойдалан 5 фоиздан кам бўлмаган миқдорида ажратмалар ўтказилади.

7.2.3. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

7.3. Жамият томонидан қуйидаги фондларни барпо этилиши мумкин:

7.3.1. эҳтиёт фонди;

7.3.2. ривожлантириш фонди;

7.3.3. инвестиция фонди;

7.3.4. инновация фонди;

7.3.5. суғурталаш ва қайта суғурталаш хизматларини кўрсатиш учун, шунингдек ўзининг хўжалик харажатларини қоплаш учун зарур бўлган бошқа фондлар.

7.4. Жамият фаолиятининг самарадорлигини оширадиган суғурта фаолиятини юритишда керак бўладиган бошқа фондлар ҳам барпо этилиши мумкин.

## 8. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

8.1. Акциядорлар қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

тегишли жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;

депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;

жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;

жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;

жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноτιжорат ташкилотларига бирлашиш;

қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

8.2. Акциядорлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## IX. ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ

9.1. Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

9.2. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

9.3. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли

коғозлари билан тўланиши мумкин.

9.4. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

9.5. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

9.6. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори жамият Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

9.7. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

9.8. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

9.9. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қароридан белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

9.10. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолади.

## **X. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ**

10.1. Жамиятнинг бошқарув органлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Ижроия органи (Бош директор).

## **XI. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ**

11.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

11.2. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг умумий ҳисобот йиғилиши молия йили тугаганидан кейин узоғи билан 6 ой муддат ичида ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий ҳисобот йиғилишидан ташқари ўтказиладиган йиғилишлар навбатдан ташқари ҳисобланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

11.3. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жамий эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

11.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини

Ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

11.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш «жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси — битта овоз» принципи бўйича амалга оширилади, жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

11.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган масалалар бўйича қуйидагилар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади: жамиятнинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар.

## ХII. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНING ВАКОЛАТ ДОИРАСИ

12.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар кирази:

а) жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

б) жамиятни қайта ташкил этиш;

в) жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

г) жамият Кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

д) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

е) жамиятнинг устав фондини камайтириш;

ё) ўз акцияларини олиш;

ж) жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

з) қонунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

и) жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узок муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

й) жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

к) жамият Кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш;

л) имтиёзли ҳуқуқни қўллагаслик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

м) акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўллагаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

н) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

о) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

п) жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

р) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

с) жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

т) жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни энг юқори миқдорларини белгилаш;



у) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ф) мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

х) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

12.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар йиғилиш баённомаси имзоланган кундан икки иш кунидан кечиктирмай, шунингдек овоз бериш яқунлари ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акциядорлар эътиборига етказилади.

12.3. Жамият Акциядорлар умумий йиғилиши Жамиятнинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низом асосида чақирилади ва ўтказилади.

### **ХШ. ЖАМИЯТНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

13.1. Жамиятнинг Кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

13.2. Жамият Кузатув кенгаши 3 (уч) кишидан иборат, акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 3 (уч) йил муддатга сайланади.

13.3. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

13.4. Жамият бошқаруви аъзолари ва директори, унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

13.5. Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

13.6. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар қуйидаги талабларга мос келиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий маълумотга ёки хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида олинган ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги олий маълумотга эквивалент деб тан олинган олий маълумотга эга бўлиши.

13.7. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият Кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

13.8. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ўз раисини Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

13.9. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақирилади ва уларда раислик қилади,

мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади.

13.10. Жамият Кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

13.11. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият кузатув кенгаши, ижроия органнинг, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа шахсларнинг талабига кўра чақирилади.

13.12. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси бир йилда тўрт маротабадан кам бўлмаган ҳолда йиғилиши шарт. Заруриятга кўра Жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ҳам ўтказилиши мумкин.

13.13. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

13.14. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, мажлисида ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

13.15. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисида ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

13.16. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

13.17. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

13.18. Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

13.19. Жамият Кузатув кенгаши Жамиятнинг «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

#### **XIV. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ВАКОЛАТ ДОИРАСИ**

14.1. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

а) жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

б) акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

в) акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

г) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

д) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

е) жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

ё) мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

ж) жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

з) ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

и) жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат

мақсадларида фойдаланиши мумкин;

й) аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

к) жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқлаш;

л) дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

м) жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

н) жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

о) жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

п) қонунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

р) жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонунчиликда белгиланган тартибда тузиш;

с) қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

т) аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш;

у) жамиятнинг устав фондиди кўпайтириш масалаларини ҳал қилиш;

ф) Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;

х) жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини танлов асосида сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

ч) ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;

ш) жамият Кузатув кенгаши ваколатига бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш берилиши мумкин.

## ХV. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАНИ

15.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати - Бош директор томонидан амалга оширилади.

Бош директор уч йил муддатга тайинланади. Бош директор билан тузилган меҳнат шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.

15.2. Бош директор жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

15.3. Жамият бошқаруви Бош директор Кузатув кенгаши қарори билан уч йил муддатга сайланади.

15.4. Бош директор Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашига ҳисобот беради.

15.5. Бош директор Кузатув кенгаши томонидан танлов асосида чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади. Бош директор билан шартнома жамият номидан жамият

кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

15.6. Бош директорга тўланадиган ҳақ миқдори Жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, меҳнат шартномасида белгиланади.

15.7. Бош директорнинг ваколатларига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

15.8. Бош директор Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

15.9. Бош директорнинг ваколатларига қуйидагилар киради:

- мазкур устав ва Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

- Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;

- Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

- Жамият номидан битимлар тузиш, жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;

- штатларни тасдиқлаш, Жамият ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;

- Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;

- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

- Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;

- амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишонччилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

- амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш.

15.10. Жамиятнинг бош директори вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат жамият Кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

15.11. Бош директорнинг ҳуқуқлари у билан тузилган меҳнат шартномасида белгиланади.

15.12. Бош директорнинг мажбуриятлари:

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

- жамият шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;

- жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;

- жамият фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

- давлат статистика ҳисоботи тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида

тақдим этилишини таъминлаш;

- амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ахборотлар улар томонидан олинishi, Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;

- ички ҳужжатларга, амалдаги қонун ҳужжатларига ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя қилиш.

15.13. Бош директорнинг мажбуриятлари у билан тузилган меҳнат шартномасида ҳам белгиланади.

15.14. Бош директор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.

15.15. Бош директор қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият олдида жавобгардир.

15.16. Бош директор мазкур устав ва Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Ижроия органи тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

## **XVI. ЖАМИЯТНИНГ МИНОРИТАР АКЦИЯДОРЛАРИ ҚЎМИТАСИ**

16.1. Миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жамиятда уларнинг орасидан миноритар акциядорларнинг қўмитаси ташкил этилиши мумкин.

16.2. Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига номзодлар бўйича таклифлар жамиятга жамият Кузатув кенгашига номзодлар бўйича таклифлар киритиш учун назарда тутилган тартибда ва муддатларда киритилади.

16.3. Миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзоларини сайлашда акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳозир бўлган ва жамият Кузатув кенгашига номзодлар кўрсатмаган ёхуд акциядорларнинг ўтказилаётган умумий йиғилишида Кузатув кенгашига номзодлари сайланмаган акциядорлар иштирок этади.

16.4. Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига жамиятнинг бош директори, бошқарув аъзолари, шунингдек жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланган шахслар кириши мумкин эмас.

16.5. Миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколатига қуйидагилар киради:

акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамиятнинг Кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун киритилаётган йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан битимлар тузишга оид масалалар бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этиш;

миноритар акциядорларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ мурожаатларини кўриб чиқиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида мурожаатлар киритиш;

қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш.

16.6. Миноритар акциядорлар қўмитасининг қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Миноритар акциядорлар қўмитасининг мажлислари унинг миқдор таркибига сайланган шахсларнинг камида тўртдан уч қисми ҳозир бўлганда ваколатлидир.

16.7. Миноритар акциядорлар қўмитаси аъзоларининг сони 3 (уч) кишидан иборат бўлади.

16.8. Миноритар акциядорларнинг қўмитаси қабул қилинган қарорлар тўғрисида ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот беради.

16.9. Миноритар акциядорлар қўмитасининг раиси ушбу қўмита таркибидан миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзолари томонидан кўпчилик овоз билан сайланади.

16.10. Миноритар акциядорлар қўмитасининг раиси миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколат доирасига киритилган барча масалалар бўйича жамиятнинг ҳужжатларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

16.11. Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолият кўрсатиш тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

16.12. Миноритар акциядорлар қўмитаси жамиятнинг хўжалик фаолиятига аралашуви ҳақи эмас.

16.13. Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолиятига жамият Кузатув кенгашининг ёки ижроия органининг аралашувига йўл қўйилмайди.

## **XVII. МОНОПОЛИСТИК ФАОЛИЯТГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК**

17.1. Суғурта бозорида рақобатни чеклаш ёки бартараф этишга, бир суғурталовчиларга бошқаларига караганда асосиз афзалликлар берилишига ёки олинишига, суғурта қилдирувчилар ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилишига қаратилган фаолиятга йўл қўйилмайди.

17.2. Суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларига ўз уюшмалари (иттифоқлари) ва бошқа бирлашмаларидан суғурта бозорини монополлаштиришга қаратилган битимларга эришиш йўлида фойдаланиш тақиқланади.

## **XVIII. СУҒУРТА СИРИ**

18.1. Суғурта қилдирувчилар, суғурталанган шахслар ва наф олувчилар, суғурта қилдирувчиларнинг ва суғурталанган шахсларнинг соғлиғи, суғурталанган мол-мулк, суғурта пули, банк ҳисобварақлари мавжудлиги, ушбу ҳисобварақлардаги пул қолдиқлари ва пул ҳаракати ҳақидаги маълумотлар ошқор қилиниши мумкин эмас.

18.2. Суғурта фаолиятини амалга оширишнинг умумий шартлари, тавсия этилаётган суғурта битимлари ва операцияларининг рўйхати, суғурта тарифлари, суғурта турлари ҳамда муддатлари очик ахборот бўлиб, суғурта сирини предмети бўлиши мумкин эмас.

18.3. Ушбу Уставнинг 18.1. бандда кўрсатилган маълумотлар суғурта қилдирувчи, шунингдек суғурталанган шахслар ва наф олувчилар ўзларига тааллуқли маълумотларга доир ёзма розилик берганда учинчи шахсларга ошқор қилиниши мумкин.

## **XIX. БОШҚА ХОЛАТЛАР**

19.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб кучга киради.

19.2. Жамият Уставида кўзда тутилмаган барча ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тартибга солинади.

19.3. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва

ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

19.4. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.



## Yuridik shaxsni tadbirkorlik subyekti qayta ro'yxatdan o'tkazganlik haqida ma'lumotnoma

06.07.2022 yil

O'zgarishdan oldin		O'zgarishdan keyin	
1	Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyekti nomi 200811765, UNIVERSAL SUG'URTA	Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyekti nomi Bez imeneniy	Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyekti nomi Bez imeneniy
2	TISh Aksiyadorlik jamiyati	TISh Bez imeneniy	TISh Bez imeneniy
3	Faoliyat yuritish manzili Tashkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, BUYUK PAK YO'LI KOCHASI., 218-220- UY..	Faoliyat yuritish manzili Bez imeneniy	Faoliyat yuritish manzili Bez imeneniy
4	IFUT 05120 - Hayotni sug'urtalashdan tashqari sug'urtalash	IFUT Bez imeneniy	IFUT Bez imeneniy

## O'zgarishdan oldingi tasischilar

S/IR	Nomi / F.I.Sh.	Miqdori	Ulushi
1	AKSIONERLAR	25 005 000 000 000 UZS	100,000 %
	JAMI	25 005 000 000 000 UZS	100,000 %

## O'zgarishdan keyingi tasischilar

S/IR	Nomi / F.I.Sh.	Miqdori	Ulushi
1	SHI VA AGRO FINANCE	238 155 400 000 UZS	0,952 %
	JAMI	238 155 400 000 UZS	0,952 %
2	SHI VA AGRO FINANCE	19,798 200 000 UZS	0,780 %
	JAMI	19,798 200 000 UZS	0,780 %
3	SHI VA AGRO FINANCE	10,907 400 000 UZS	0,425 %
	JAMI	10,907 400 000 UZS	0,425 %

## AKTIVLARINI BOSHQARISH AGENTLIGI

ORUN J CAPITAL MANAGEMENT

UZS

82 369 000 000 0,329 %

UZS

200811765 AKSIYADORLAR

94,078 %

600 000 UZS

100,000

%

25 005 660

000 000 UZS

%

Mirzo Ulug'bek tumani, Mirzo Ulug'bek tumani, YAGONA DARCHA MARKAZI

Imzo: 838.NATOSATXON TADJIBA YEVA AXMEDXODIAYEVANA